

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ЙИЛ
ЧИҚИШИ.

№ 92 (5441).

9

М А Й
Ж У М А

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Кеча Ватанимиз пойтахти Москвада Улуғ

Ватан урушида совет халқи Ғалабасининг

30 йиллигига бағишланган тантанали

йиғилиш бўлди. Йиғилишда КПСС Мар-

казий Комитетининг Бош секретари ўртоқ

Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.



Москва, Кремнинг Съездлар саройи. Улуғ Ватан урушида совет халқи Ғалабасининг 30 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш.

А. Пахомов ва М. Скурихина фотоси.

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ БУЮК ЖАСОРАТИ

КРЕМНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ
ҒАЛАБАСИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Улуғ Ватан уруши бундан 30 йил аввал фашизм устидан совет халқининг ғалабаси билан тугади. Тарихда энг катта бу жанг 1418 кун давом қилди. Бу уруш социалистик Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун, жаҳон цивилизациясининг кутқариш учун, келгусидаги одилона тинчлик учун ҳам олиб борилди. Шунинг учун ҳам шу кунларда бутун прогрессив инсоният улуғ Ғалабанинг 30 йиллигини Совет Иттифоқи билан бирга нишонламоқда.

Кремнинг Съездлар Саройи 8 май кўни айниқса байрам тусини олди. Сарой олдидан флашгетонларда СССР ва Иттифокдош республикаларнинг байроқлари ҳиллаб турибди. Саройда бўлса жангларда алоҳида намуна кўрсатган ҳарбий қисмларнинг жаңговар шон-шухратларга қўланган

байроқлари турибди. Уларнинг энди 1945 йилнинг июнида Қизил Майдондаги Ғалаба парадига қатнашган фронтлар йиғма полкларининг штандартлари турибди. Фронтга жанговар техника ва ўқдор, асбоб-анжом ва озиқ-овқат етказиб турган илгир корхоналарнинг байроқлари ҳам шу ерда.

Улуғ Ватан урушида совет халқи Ғалабасининг 30 йиллигига бағишлаб Кремлдаги Съездлар Саройида ўтказилган тантанали йиғилишга уруш ва меҳнат ветеранлари, байрамда қатнашмоқ учун барча иттифокдош республикалардан пойтахтга келган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, ушала «Шуҳрат» орденининг кавалерлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари йиғилишган. Меҳнаткашлар, Совет Армияси ва Ҳарбий Деңгиз Флотининг вакиллари залда ўтиришди.

Залда Ғалабанинг 30 йиллиги байрамда қатнашмоқ учун СССРга келган чет эл делегациялари бор эди. СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, совет ва чет эл мухбирлари ҳам шу ерда.

Саҳна тўрига В. И. Ленин бюсти қўйилган. «1945» ва «1975» рақамлари совет халқи урушдан кейин босиб ўтган тинч ўттиз йилни эслатади. Саҳна тўрида Ғалаба ордени тасвири.

Совет 15 йиллиги аҳли Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кирпиченко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, И. В. Калитонов, К. Ф. Катусhev ўртоқларини ўринларидан туриб, узоқ давом этган гулдурас қарсақлар билан кутиб олади.

Социалистик мамлакатлар ва антигитлерчи коалиция мамлакатлари делегацияларининг раҳбарлари, тинчлик совет ҳарбий бошлиқлари, уруш ветеранлари, меҳнат илгирлари ҳам президиумдан ўрин оладилар.

КПСС Марказий Комитети Сийосий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин тантанали йиғилишни очади.

Совет Иттифоқининг давлат гимни янграйди.

1945 йилнинг майида маглуб бўлган Рейхстаг гўмбазига тинчлик Ғалаба байроғи ҳарбий марш садолари остида кўтариб кирилади. Залдагилар байроқни тантана билан кутиб олади. Гвардиячилар фахрий эскорти ҳамда СССР Қуролли Кучлари уч туруннинг байроқлари ҳамроҳлигида Ғалаба байроғини Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари С. А. Неустров, М. В. Кантария ва М. А. Егоров кўтариб келадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневга сўз берилади. Тантанали йиғилиш қатнашчилари ўринларидан туриб уни гулдурас, давомий қарсақлар билан кутиб оладилар.

мамлакатларидан — Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари ва Франциядан келган муҳтарам меҳмонларни табриқлаймиз, Гитлерни агрессорларга ва қўл қўлувчиларга қарши курашдаги жанговар сафдошлари билан совет кишилари бутунги кунда дийдор қўришганликларидан ҳурсандирлар.

Коммунистлар бошчилиги қилган Югославия Халқ озодлик армиясининг мардонавор кураши, Польша ва Чехославия ватанпарварларидан тузилган армиялар ва қўшимчаларнинг шижоатлари, Словакия, Руминия, Болгариядаги халқ қўзғолонлари, албан халқининг озодлик кураши, Франция, Италия ва бошқа мамлакатлардаги қаршилик ҳаракати, партизан отрядларининг қилган ишлари, душманининг ўз юртида фашистларга қарши маҳфий иш олиб борган мардларнинг кураши — мана шуларнинг ҳаммаси оқибат натижада совет халқининг кураши билан қўшилиб, Европа халқларидан фашизм доғини тоғиб ташлаган битта қудратли оқим бўлди.

(Давоми киккинчи бетда).

МИЛЛИЙ БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Чехославия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Густав Гусака, Чехославия Социалистик Республикасининг президенти ўртоқ Людвик Свободага, Чехославия Социалистик Республикаси ҳукумати раиси ўртоқ Любомир Штроугалга миллий байрам — Чехославия фашист босқинчилигидан озод қилинган кун муносабати билан табрик телеграммалари юбордилар.

Табрик телеграммасида бундай дейилади: Бундан 30 йил муқаддам Совет Армияси Чехославияга армия корпуси жангчилари ҳамда фашист эсломчилари қарши қўзғолон кўтарган ватанпарварлар билан биргаликда мамлакатни, озод қилишни ниятсиз етказди. Мана шу шонли байрам бу йил алоҳида аҳамиятга эга: у гитлерчилар фашизми, тор-мор қилинганликнинг 30 йиллигига тўғри келди. Бу ғалаба чиндан ҳам Буюк Ғалаба бўлди. Бу ғалаба халқларнинг фашист вахшиларидан халос этди, инсоният цивилизациясининг кутқариб қолди, жаҳон тараққиётининг бутун боришига гоят чуқур таъсир ўтказди.

1945 йилнинг 9 майи Чехославиянинг тарихий тақдирда бундай нуктаси бўлиб қолди. Мамла-

катингизнинг меҳнаткаш халқи Коммунистик партия раҳбарлигида экономика ва иқтисодий муносабатлар соҳасидаги социалистик ўзгаришларнинг гоят мураккаб вазибаларини ҳал қилди, ишлаб чиқариш кучларини, фан ва маданиятни ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлади.

Урушдан илгари бўлганидек ҳозир ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакат бўлиши Чехославияда социализм курилиши янги жамиятнинг вужудга келиши конунятларининг умумий харақтерини исбот этди ва шу билан Буюк коммунистларнинг интернационал эзизлигини янги тажриба билан бойитди.

Совет раҳбарлари Совет Иттифоқи билан Чехославия халқларининг қардошларча иттифоқи билан биргаликда кунда муштаркам ва бузилмас эканлигини маъмурий билан таъкидладилар. Биз, деб ўқитиб ўтилади телеграммаларда, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Чехославия Коммунистик партияси ўртасида синфий бирдамликнинг муштаркам алоқалари мавжудлигини, халқларининг, давлатларининг дўстлиги, ҳамкорлиги ҳамда ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома билан муштаркамланган муштаркам манфаатлар ва мақсадлар бирлаштириб турганлигини юксак қадрлаймиз. (ТАСС).

А. Н. КОСИГИН ЛОРД
МАУНТБЕТТЕН БИЛАН
СУХБАТЛАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалабасининг 30 йиллиги байрамда қатнашув учун СССРга келган Англия расмий делегациясининг бошлиғи Буюк Британия қироличасининг шахсий вакили флот адмирал лорд Маунтбеттени 8 майда Кремлда қабул қилди ва у билан дўстона вазиятда суҳбатлашди.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
СИЙОСИЙ БЮРОСИНИНГ АЪЗОСИ,
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ
РАИСИ ЎРТОҚ
А. Н. КОСИГИНИНГ ТУНИС
РЕСПУБЛИКАСИГА ВИЗИТИ
ТЎҒРИСИДА

Тунис Республикаси президенти Ҳабиб Бургибаани тақдирга бинуюн КПСС Марказий Комитети Сийосий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин шу йил май ойининг ўрталарида расмий визит билан Тунисга боради.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ватандошлар!
Азиз фронтдошлар!

Чет эллардан келган ҳурматли меҳмонлар! Мана шу тантанали кунларда ҳар бир совет кишиси, ҳар бир оила, бутун халқимиз 1945 йилнинг унутилмас майини муқом эслаб турибди. Узоқ давом этган дахшатли урушдан сўнг гоят таъкидлаб билан қўлга киритилган тинчлик бахти нимагинин билган халқнинг кўнглида уша вақтда вужудга келган буюк ва юксак баланд руҳни ҳар биримиз яна бир марта бошдан кечириётгандек бўлмоқда.

Уруш бизга даркор эмас эди. Лекин уруш бошланиб кетганида, совет халқи агрессорларга қарши жон бериб, жон олиб мардонавор курашга киришди.

Гитлерчилар муҳим ҳарбий машинани ишта солиб, устимизга бостириб келдилар. Улар Совет Иттифоқига айниқса шафқатсиз-

лик билан ёпирилдилар, бу шафқатсизликнинг ва чеки, ва номи бор. Шиддат жиҳатидан мисли кўрилмаган жангларнинг гўмбурлаган сурунлари қарийб тўрт йил тинимсиз давом этди. Бу жангларда ҳар иккала томондан миллионлаб солдатлар қатнашди.

Москва остонасида босқинчиларнинг армиялари тор-мор келтирилганлиги, Ленинград муқофаси, қаҳрамонона Сталинград эволюси, Кавказ учун олиб борилган жанг, Курск — Осиё дўгарида бўлиб ўтган жуда катта тўқнашув, Корсунь-Шевченковская операцияси, Берлинга қилинган зафарли штурми ва урушлар тарихидан абадий ўрин олган бошқа жуда кўп улкан операциялар совет қуролига сўнмас шухратлар келтирди.

Совет кишилари жуда оғир синовлардан ўтиб, Ватан номусини ва мустақиллигини сақлаб қолдилар, Октябрь ғалабаларини сақ-

лаб қолдилар. Владимир Ильич Ленин бизга васият қилиб қолдирган ишни сақлаб қолдилар.

Совет халқининг қаҳрамонона кураши иккинчи жаҳон урушининг боришини тубдан ўзгартириб юборди. Бу урушнинг жанглири Атлантикадан Тинч океангача, Гренландия музларидан Африка сарҳадларигача бўлган жуда кенг территорияда авж олиб кетди, аммо совет-герман fronti уруш харақатларининг асосий майдони бўлиб қолди. Аслини олганда, бу ерда фақат совет халқининг тақдирини эмас, шу билан бирга бутун инсониятнинг тақдирини ҳам ҳал қилинган эди.

Ҳозирги байрам — фашизмга қарши олиб борилган буюк жангда қатнашган ҳамма кишиларнинг байрами.

Қўпгина мамлакатлардан келган кўп сонли партия, давлат, ҳарбий ва мамоат делегациялари бу ерда, бизнинг тантанали йиғили-

шимизда ҳозир бўлиб турганлиги, мана шу байрамнинг аён қўрилиб турган ифодасидир. Совет кишилари катта умумхалқ тапантасининг тўқинлантурувчи дамларини ва қўвончини биз билан баҳам кўрмоқ учун чет эллардан келган ўз меҳмонларини чин кўнгидадан табриқлайдилар.

Қардош социалистик мамлакатларининг — Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Ўзбекистон Демократик Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Куба Республикаси, Монғолия Халқ Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Чехославия Социалистик Республикаси, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг шу залда ўтирган делегацияларини қизгин табриқлаймиз.

Гитлеризмга қарши коалиция

Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарларига Юбилей медаллари топширилди

КПСС Марказий Комитети Сийосий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 8 май кўни Кремлда тантанали вазиятда Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кирпиченко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, И. В. Калитонов, К. Ф. Катусhev ўртоқларга «1941—1945 йилларда Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг ўттиз йиллиги» Юбилей медалини топширди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ўртоқ Н. В. Подгорнийга юбилей медалини топширди. (ТАСС).

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Улуғ Ватан урушида совет халқи қозongan Ғалабанинг 30 йиллигига бағишлаб 8 майда Тошкентда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сийосий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Йиғилишда КПСС Марказий

Комитети Сийосий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани, «Ташкентшўлаш» заводининг етказари И. Б. Алехин, генерал-майор А. Ф. Шамрай, Сирдарё районидаги Ленин номили колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Пўллошева, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президенти, Соци-

алистик Меҳнат Қаҳрамони О. С. Содиқов, Тошкент медицина институтининг студенти Л. Болтаева сўзга чиқдилар.

Тантанали йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табриқнома қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

(Йиғилиш тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг эртаги сониде эълон қилинади).

ЮБИЛЕЙ МЕДАЛЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Маточонов министрларга, давлат комитетларининг раисларига, идораларнинг раҳбарларига ҳамда республика Олий Совети Президиуми аппаратидаги ходимларига «1941—1945 йилларда Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг ўттиз йил-

лиги» юбилей медалларини топширди. Ўртоқ Н. М. Маточонов мукофотланганлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан сийосий аппаратини, уларга сиҳат-саломатлик ва келгуси ишларида муваффақиятлар тилади.

